

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 50

Нуробод шаҳри

2022 йил 28 сентябр

“BANOR IFORI BV” MCHJ кейинги ўринларда “ТАЪМИНОТЧИ” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари Б.Баҳриддинов номидан бир томондан ва Нуробод туман Ҳокимлиги “Ёшлар дафтари” жамғармаси кейинги ўринларда “БҮЮРТМАЧИ” деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Ибрагимов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот) ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот) ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Сотувчи харид қилинадиган товарга керакли хужжатлар (гувоҳнома, сертификат, улгуржи савдо учун рұхсатномалар) ва бошқа хужжатлар нұсхаларини харидорга юборади.

Т/р	Товар (маҳсулотлар) номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Проволокошвейная машина	дона	47	2 095 000	98 465 000
2	Сварочный аппарат	дона	20	1 195 000	23 900 000
	Жами	X	X	X	122 365 000

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий сўммаси 122 365 000 (Бир юз йигирма икки миллион уч юз олтимиш беш миңг) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олиннадиган товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 30 % ни ташкил қилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул қўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қаролат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинishi зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдоридан, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10% миқдоридан жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20% миқдоридан жарима тўлайди.

2022 йил 28 сентябрда тузилган №50 сонли шартноманинг 1-варағи

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сўманинг 0,4% миқдорда, лекин кечиктирилган тўлов сўмасининг 50% дан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказилган товар ёки маҳсулотлар нархи юқори деб топилса ўртадаги фарқ етказиб берувчи (иш берувчи, хизмат кўрсатувчи) томонидан қопланади

5.7. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил 28 сентябрдан 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўзб.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-мажор ҳолатларида

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўзб.Р. Фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўзб.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иқтисодий суди тартибида ҳал қилинади

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокара билан йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Иқтисодий судда ҳал қилинади.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги” ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур 122 365 000 сўмлик, №50 сонли шартнома 2022 йил 28 сентябрда 2 нусхада тузилган бўлиб тарафлар томонидан имзолангандан сўнг қонуний кучга киради.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ТАЪМИНОТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

“ВАНОР IFORI ВВ” МСНҲ

Паярик тумани Истиклол кучаси 69 уй
тел/факс:
Ҳ/р: 20208000905490488001
Банк номи: Микро кредит банк Самарканд вилоят
ФИЛИАЛИ

МФО: 00281, ИНН: 309276322

ОКОНХ:



Раҳбар:  Б.Бахриддинов

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Лицензия (диплом) № _____ ва берилган сана: № _____ “ _____ ” _____ 2022 йил

2022 йил 28 сентябрда тузилган №50 сонли шартноманинг 2-вараги

Нуробод туман Ҳокимлиги “Ёшлар дафтари” жамғармаси

Нуробод шаҳри Мустақиллик 2 уй

тел/факс: _____

Ш/хв: 305022860182357109601018001

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳри

МФО: 00014, ИНН:200 779 529

ОКОНХ: 97600, ОКЭД:84112

Раҳбар:  Р.Ибрагимов